

PEDAGOGIK MAHORAT

**MS
2021**



Болта ХОДЖАЕВ

Бухоро давлат университети доценти,
педагогика фанлари номзоди

Ситора ШАРИПОВА

Бухоро давлат университети
педагогика назарияси ва тарихи
йўналиши II-босқич магистранти

ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ–БИЛУВ ФАОЛИЯТИНИ АКТИВЛАШТИРИШДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Мақолада муаммоли таълимнинг талабаларда ўқув-билув фаолиятининг моҳияти, активлаштириши тушунчаси ва унинг мазмуни, талабалар ўқув-билув фаолиятини активлаштиришнинг педагогик-психологик асослари ёритилган. Шунингдек, талабалар ўқув-билув фаолиятини активлаштиришда муаммоли таълим ва унинг талабаларда ижодий фикрлашларини ривожлантиришдаги, изланиш олиб боришдаги ўрни ва ривожлантирувчи таълим билан ўзаро боғлиқлиги, талабалар ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда муаммоли вазият яратилиши, муаммоли таълим методларидан фойдаланиши каби масалалар ижобий ечимини топган.

Калит сўзлар: ўқув-билув фаолияти, активлаштириши, муаммоли таълим, ривожлантирувчи таълим, педагогик-психологик асос, муаммоли таълим методлари, муаммоли вазият, ижодий тафаккур, билиш, муаммоли таълим технологияси.

В данной статье освещаются вопросы значения проблемного обучения в учебно-познавательной деятельности студентов, понятия и значения термина активизация, педагогических и психологических основ активизации учебно-познавательной деятельности. Также, в рамках статьи рассмотрены и положительно решены такие вопросы, как проблемное обучение в активизации учебно-познавательной деятельности студентов и его роль в развитии творческого мышления и исследований, а также взаимосвязь с развивающим обучением, создание проблемной ситуации в развитии учебно-познавательной деятельности учащихся, использование методов проблемного обучения.

Ключевые слова: учебно-познавательная деятельность, активизация, проблемное обучение, развивающее обучение, педагогико-психологическая основа, проблемные методы обучения, проблемные ситуации, творческое мышление, знание, проблемная технология обучения.

The present article deals with the issues of the meaning of problem learning in the educational and cognitive activities of students, the concept and meaning of the term activation, pedagogical and psychological foundations of the activation of educational and cognitive activity. Furthermore, within the framework of the article, such issues as problem learning in enhancing the educational and cognitive activity of students and its role in the development of creative thinking and research, as well as the relationship with developing learning, creating a problem situation in the development of educational and cognitive activities of students, the use of problem learning methods are considered and positively resolved.

Key words: educational and cognitive activity, activation, problem learning, developmental learning, pedagogical and psychological basis, problem teaching methods, problem situations, creative thinking, knowledge, problem teaching technology.

Кириш. Талабаларнинг ўқув-билув фаолиятларини активлаштириш, уларда ижодий тафаккурни, интеллектуал қобилиятни, мустақил фикрлашни ривожлантиришга ёрдам берибгина қолмай, балки, ижтимоий–иқтисодий тараққиётни ҳам таъминлайди. Зеро, бугунги талаба, эртанги мутахассис, етук раҳбар сифатида жамият ва мамлакат ривожини таъминловчи катта куч ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қандай ижодий фаолият ва изланишга асосланган ҳар қандай иш сермаҳсул бўлади. Ўқувчи ёхуд талаба фанлар мазмунидаги ўқув материалларини тайёр ҳолда ўзлаштирмай, уни изласа, актив ижодий фаолият кўрсатса, билимларни ўзлаштириш жараёни анча самарали бўлишини тажриба жараёни кўрсатиб келмоқда. Шунга асосан талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштиришда муаммоли таълим имкониятларидан фойдаланиш айтиш мумкин ва дидактика фанида назарда тутилган асосий вазифа ҳисобланади. Талабанинг ўқув-билув фаолияти изланиш ва ижодий фикрлашни талаб этади. Шу маънода муаммоли таълим талаба активлигини ҳар томонлама ривожлантириш воситаси сифатида майдонга келади.

Асосий қисм. Илмий–дидактик манбаларда таъкидланишича, **ўқув-билув фаолияти** - бу талабанинг воқелик билан, мақсадли, сиртдан бошқарилувчи ёки мустақил ташкил қилинган ўзаро таъсирини ифодалайдиган ўқув топшириқларини бажаришга, воқеликни билишга йўналтирилган ҳамда ўқув фани ва бўлажак касбий фаолиятга тайёрланишда ҳиссий қадриятли муносабатни шакллантирувчи фаолиятдир. Бу эса талабаларнинг фан асосларини чуқур ва мустаҳкам ўзлаштириш, ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ва маҳоратини ҳосил қилиш, илмий дунёқарашни шакллантиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Маълумки, талабанинг ўқув–билув фаолияти ўз-ўзидан активлашмайди, албатта. У биринчи навбатда ижодий фикрлаш ва мустақил изланиш натижасида юзага келади. Талаба ижодий фикрлаб мустақил излана олса, ақлий фаолият кўрсатади ва билиш имкониятлари кенгайди. “Билиш имконияти – деб ёзади рус психологи А.М.Матюшкин, - фақат бирин–кетин ва мунтазам равишда топшириқлар бериш, муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш натижасида рўй беради” [3, 82].

Талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштириш психология, дидактика ва методика фанларининг энг долзарб муаммоси ҳисобланади. Зеро, психологлар талабанинг ўқув–билув активлигини, шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини ривожлантирувчи омил деб таъкидлашса, дидактлар бу муаммони таълимнинг умумий ва энг асосий қонунияти деб билишади. Методистлар эса таълим муассасаларида у ёки бу фанни ўқитиш жараёнида, ўқув-билув фаолиятини активлаштириш бу методиканинг энг асосий ўқитиш усуллари ва методик шарт-шароитлари деб ўқитишади. Шу сабаб, Ватанимиз, МДҲ ва хориж педагогикасида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштириш масаласи талайгина тадқиқот ишларининг асосий йўналишини ташкил қилган. Муаммонинг психологик асослари рус олимлари – Б.Г.Ананьев, В.А.Крутецкий, В.В.Давыдов, Л.С.Виготский, Н.Ф.Талызина, Д.Б.Эльконин, А.Н.Леонтьев ҳамда Республикамиз психологлари М.Г.Давлетшин, Ф.Б.Шоумаров, М.Н.Турсунова, Ш.Р.Баротов ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ўз ечимини топа олган.

Масаланинг умумдидактик томонлари эса рус олимлари Ю.К.Бабанский, М.А.Данилов, И.Я.Лернер, М.Н.Скаткин, Г.И.Щукина, М.И.Махмутов, Т.И.Шамовалар, хорижий олимлари Е.Дрефенштед (Германия), Л.Клейман, Ш.Над (Болгария), В.Окань (Польша) ва бошқа бир қатор олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Кейинги йилларда методист олимлар ҳам ўз фанлари доирасида билим оловчиларнинг ўқув-билув фаолиятларини активлаштириш муаммосига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Бу рус ўқитиш методикасида ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштириш муаммоси рус методистлари П.О.Афанасьев, Н.А.Лашкарёва, Т.Е.Конникова, Т.В.Напальнова, Ю.Г.Федотова, Т.И.Шамовалар томонидан тадқиқ қилинган.

Республикамизда бу муаммо ўзбек тилини ўқитиш методикаси нуқтаи назаридан ўқувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштириш масаласига доир бир мунча уринишлар амалга оширилган, жумладан: Омилхонова М., Абдуллаев Й., Абдуллахатова Р., Орифжонов А., Розиков О., Ғуломов А., Турдиев Б., Қосимова К., Асқарова М.ларнинг илмий тадқиқотларида кўришимиз мумкин. Она тили дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаолиятлари ўқув-билув фаолиятини активлаштириш ишларини тадқиқ қилганлар. Буларнинг ишларидан ўқувчиларнинг билиш фаолияти ва ўқув-билув фаолиятини активлаштириш қуйидаги усуллар орқали амалга ошириш назарда тутилган. Жумладан: а) ўқувчи-талабаларнинг қизиқишларини ва ўқув мотивларини шакллантириш; б) билим оловчиларни муаммоли вазиятларни ҳал этишга жалб этиш, шунингдек, илмий ва амалий муаммоларни муаммоли таълим орқали ечиш; в) ўқув машғулотларида дидактик ўйинлар ва мунозаралардан фойдаланиш; г) она тили дарсларида ўқитишни муаммоли баён қилиш, қисман изланувчанлик, эвристик изланувчанлик (тадқиқот), намуна келтириш методларидан фойдаланиш; д) ўқувчи талабаларнинг жамоа бўлиб ишлаш, ўзаро ўқиш каби ўқитишни рағбатлантириш ва ҳ.к. [4, 76-81].

Олиб борилган тадқиқот ишларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ўқув машғулотларида билим оловчиларнинг ўқув-билув фаолиятларини активлаштиришнинг икки муҳим белгиси илгари сурилган. Биринчиси, бу билим оловчиларнинг фаоллик даражасини йўлга қўйиб, ўқувчи талабаларда билимга қизиқиш, қатъийлик, мустақиллик, ижодийлик, изланишга ҳавас бўлса, иккинчиси, таълим жараёнини активлаштириш мақсадида, машғулотда дидактик ва методик шарт-шароит, ҳамда самарали воситаларни танлаш орқали эришиш кўрсатилган.

Илмий дидактик манбаларда қайд қилинишича ва тажрибанинг кўрсатишича, талабаларнинг ўқув-билув фаолиятларини активлаштиришда муаммоли таълим технологияси муҳим аҳамият касб этади. Бунда, муаммоли ўқитишнинг икки дидактик категорияси - муаммоли вазият яратиш ва муаммоли ўқитиш методларидан оқилона фойдаланиш орқали эришилади. Бу икки дидактик

категория билим олувчиларда ўқув машғулоти жараёнида ўз ўқув-билув қобилиятлари ва имкониятларини тўла ишга солишга ёрдам беради. Бу орқали билим олувчилар актив ижодий фаолият кўрсатиш, изланиш, илгари ўрганган маълумотларни хотирада фаол тиклашни йўлга қўйишларига ёрдам беради. Бунинг учун ўқитувчи муаммоли таълим технологияси мазмунидан хабардор бўлиши талаб этилади. Зеро, муаммоли таълим технологияси билим олувчиларда тадқиқот ва изланиш олиб бориш учун керакли кўникма ва малакаларни шакллантириш, билиш ва ижодий қобилиятларни ривожлантириш, мустақил ва мантиқий фикрлаш кўникмаларини ўстиришга қаратилган педагогик фаолиятнинг бир кўринишидир. Шу нуқтаи назардан, муаммоли таълим академик, М.И.Махмутовнинг таъкидлашича, ривожлантирувчи таълим бўлиб саналади. Чунки, “Ривожлантирувчи таълим - умумий ва махсус ривожланишга олиб келадиган шундай таълимки, унда ўқитувчи фикр юритишнинг қонуний ривожланишини билган ҳолда, махсус педагогик воситалар ёрдамида ўз ўқувчиларини фан асосларини ўрганиш жараёнида фикрлаш қобилияти ва билиш эҳтиёжини шакллантиришга оид мақсадга йўналтирилган ишлар олиб боради” [3, 41].

Муаммоли ўқитиш йўли билан билим олувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштириш, билимларни тайёр ҳолда бериш орқали, улар фаолиятини активлаштиришдан фарқ қилади. Муаммоли таълим билан ўқувчи фаолиятини активлаштириш натижасида билим олувчининг муайян бир тизимда фикрлашига эришиш мумкин. Бундай активликнинг ўзига хос хусусияти шундаки: “...ўқувчи аниқ маълумотларни таҳлил қилиб, қиёслаб, синтез қилиб, умумлаштириб, аниқлаштириб, ундан ўзига янги маълумот олади”. Бу изланувчанликка асосланган фаолият ҳисобланади ва бу ҳолат муаммоли вазиятни яратишдан бошланади. Демак, талабаларда ўқув-билув фаолиятини муаммоли таълим асосида ривожлантириш, муаммоли вазият яратишдан бошланар экан, уни қандай амалга ошириш мумкин? Дастлаб муаммоли вазият яратишни кўриб чиқайлик. Хўш, муаммоли вазиятнинг ўзи нима ва у қандай яратилади?

Муаммоли вазият – билим олувчининг муайян руҳий ҳолатини вужудга келтириш, топширикни бажариш жараёнида зиддиятни англаш, ва бу орқали ўрганилаётган фан тўғрисида топширикни бажаришнинг ёки ўрганилаётган мавзу шартли тўғрисида янги ахборотларни излаш эҳтиёжини уйғотади. Академик М.И.Махмутов ёзишича, ўқувчи ўқув-билув фаолиятининг психологик назарияси, тафаккур юритишни муаммоли вазиятдан бошлашдир. Чунки, муаммоли вазият – бу инсоннинг юз берган ҳодисани, фактни, воқелик жараёнини қандай тушунтиришни билмайдиган, унга маълум бўлган ҳаракат усуллари билан мақсадга эриша олмайдиган пайтда вужудга келадиган интеллектуал қийналишдир” [3, 26].

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда Республикаимиздаги олийгоҳларда профессор-ўқитувчиларнинг иш амалиётида ҳали бу метод ўзининг ёрқин ифодасини топган эмас. Масалан, тадқиқотимиз жараёнида биз шахсан кузатган 186 соат машғулоти (маъруза, семинар дарслари)дан, фақат 57 тасига ўқитувчи муаммоли таълим имкониятларидан фойдаланиб, муаммоли вазият яратиш, машғулоти ўтказганлиги аниқланди, холос. Профессор-ўқитувчиларнинг кўпчилик қисми, асосан, билимларни тайёр ҳолда баён қилиш, тушунтириш-намойиш этиш методини қўллашди холос. Бу эса талабаларнинг ўқув-билув фаолиятларини активлаштира олмайди. Шуни таъкидлаш жоизки, муаммоли вазият яратишнинг дидактик хусусиятлари, муаммоли таълимни ташкил этишда билим олувчилар сонини аниқ белгилаши ва чегаралаши лозимлигини тоқазо этади.

Муҳокамалар ва натижалар. Тажрибанинг кўрсатишича, муаммоли вазият яратиш, талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини ривожлантиришда муаммоли таълимда қўлланиладиган ўқитишнинг муаммоли таълим методларидан фойдаланиш катта имкониятга эга. Замонавий дидактика фанида таъкидланишича, муаммоли таълим мазмунидан ўрин олган муаммоли таълим методлари тадқиқотчилик методи, қисман изланувчанлик ёки эвристик метод, ахборотларни муаммоли баён қилиш методи, ўқув ахборотларини муаммоли баёнлаш ва муаммоли вазият яратиш каби методлардан таркиб топган. Бу методлар М.Н.Скаткин ва И.Я.Лернерларнинг таълимнинг дидактик методларига ҳамоҳангдир. Зеро, бу методлар ҳам билим олувчиларни фаолликка, ижодкорликка, изланувчанликка ўргатувчи методлар сирасига киради.

Муаммоли ўқитишнинг қайд этилган методлари билан танишиб чиқайлик.

1. Тадқиқот методи. Бу метод билим олувчилар (бундан сўнг талабалар)нинг ижодий мустақиллигини тўлиқ амалга оширишни, тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришни назарда тутаяди. Бунда талабалар профессор-ўқитувчининг берган топшириғи асосида ўқув муаммосини мустақил шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Ўзлари муаммо юзасидан фаразни илгари суриб, тадқиқот ишини олиб борадилар ва кўзланган натижага эришиш учун фаолият олиб борадилар. Шу тариқа уларнинг фаолияти, тадқиқот олиб борувчи олимнинг фаолиятига яқинлашади. Бунда, ўқитувчи-профессор талабаларнинг ишларига раҳбарликни амалга ошириб, талабаларнинг ўқув-

билув фаолиятларини ҳамда изланишдаги хатти-ҳаракатларини назорат қилиб боради. Бу, ўқитувчи томонидан талабалар маълумотларни таҳлил қилишдан бошлаб, ўқув муаммосини қўйишгача, муаммони ечишгача ва ниҳоят, натижаларни умумлаштириб, текшириб, исботлаб, талабаларнинг янги билимларни эгаллашигача бўлган фаолиятини йўлга қўяди.

Ҳар қандай мавзунини ўқитишда тадқиқот методини қўллаш амалга оширавермайди. Бунда ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунидаги энг асосий масалалар қамраб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, бу метод ёрдамида ўтказиладиган машғулоти: маъруза ёки семинар машғулоти учун ўқитувчи танлаган боб ёки мавзу талабаларнинг ўқув-билув даражаси ва идрок қилишларига қулай бўлишини эсдан чиқармаслик керак.

Тадқиқот методи талабаларнинг мустақил ижодий ишларининг узоқ муддатга қараб танланиши, ҳамда уларнинг фаолият турларининг турли шаклий жиҳатларига мос бўлиши даркор. Бу асосан талабаларнинг маъруза матнини тайёрлаш, семинарга тайёргарлик кўриш, манбалар билан ишлаш, архив ҳужжатларини ўрганиш, ҳамда кўргазмали материаллар, дидактик ашёлар тайёрлашдан иборат бўлиши мумкин.

2. Муаммоли таълимнинг кейинги методи қисман изланувчанлик ёки эвристик метод бўлиб, у асосан мураккаб муаммоларни қисмларга ажратиб, қулай масалаларни босқичма-босқич аниқлаб олиш учун қўлланилади ва уни ечиш учун дастлабки босқичлар бўлиб ҳисобланади. Бунда талабалар ўқув муаммосини қўйишда фаол иштирок этишлари, уни ечиш йўллари ва ўз фаразларини тасдиқлаш ишларини амалга оширишлари назарга тутилади. Уларнинг фаолиятлари репродуктив ва изланувчанликдан иборат бўлади. Бу метод ўқитишнинг кидирув-суҳбат, ўқитувчини тўлдирадиган фикрлар баёни, кузатиш ҳамда умумлаштириш усуллари билан иборат бўлиши мумкин. Бу жараёнда энг муҳими, фаолиятни муаммога мувофиқ ҳолда йўлга қўйиш орқали топшириқларни ечиш амалга оширилади. Бунда, ўқитувчининг талабаларга қўмақлашиш даражаси ва уларнинг ўқув машғулотларга тайёргарлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Талабаларни ижодий суҳбатга тайёрлашда ўқитувчи ўта маъсулият билан ёндашиши, бунинг учун жиддий тайёргарлик кўриши, яъни савол ва топшириқларни олдиндан белгилаб қўйиши керакки, талаба уни мустақил еча олсин. Талабалар муаммони ечиши учун етарли даражада тайёргарлик кўришлари, савол ва топшириқлар уларни изланишга ундаши, муаммоли вазифани аниқ ечишга одатлантириши керак.

3. Изланувчи суҳбат методиди талабалардан ўзларидаги муайян билим ва изланувчанлик фаолиятини тажрибаларига асосланиб йўлга қўйиш ва ўқитувчи бошқарувида муаммони мустақил ҳал этиш йўллари билиб олишини назарда тутди. Саволларга жавоб беришда ёки ўз ташаббусларига кўра чиқиш қилишда талабалар, ўқитувчи топшириғини бажара бориб, ўзлари ўқув муаммоларини ва ўқув фаразларини илгари суришлари ва уларни ҳал этиб, муаммоли топшириққа жавоб топишлари керак бўлади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, изланиш-суҳбат методи ҳам ўқитувчи, ҳам талабалардан жиддий тайёргарликни талаб этади. Чунки, бу жараёнда жонли фикр алмашишлар мустақил фаолият асосида амалга ошади. Демак, қисман изланувчанлик ёки эвристик метод ижодий йўналиш касб этиб, билим олиш жараёнида ўқув-тадқиқот ишларининг энг зарур босқичи ҳисобланади. Бу метод қисман-ижодий фаолиятни йўлга қўйиш ва муаммоли характердаги мантикий топшириқларни ечишга одатланиш, талабаларни мустақил фикрлашга, изланишга, манбалар билан ижодий ишлашга ва ўз фикрларини тўғри баён қилишга ўргатади. Бу муаммоли таълим олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири бўлиб саналади.

4. Ўқув маълумотларни муаммоли баён қилиш методи. Бу ўқув муаммосини фаол амалга оширувчи метод бўлиб, изланиш ўқитувчи томонидан йўлга қўйилади. Янги маълумотни баён қилиш ўқитувчи томонидан амалга оширилиб, муаммони ечилишини таъминлашга ёрдам беради, фаолият фақат ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Бунда ўқитувчи қарама-қаршиликларни тасдиқлаб, уни талабаларга эшиттириб, фикрларини баён қилади, мулоҳазаларини билдиради. Муаммонинг ечимини фактлар, мантикий далиллар ёрдамида асослайди. Бундай вақтда ўқитувчи талабаларнинг билиш жараёнларига раҳбарлик қилиб, талабалар томонидан қарама-қарши бериладиган саволларга жавоб бера олиши, муаммоларни талабалар билан бирга ечилиши оқимига қўшилиб, талабалар билан бирга фикр юритиши, шу тариқа машғулоти иштирокчисига айланиши назарда тутилган. Шунингдек, ўқитувчи талабаларнинг билиш жараёнини саволлар бериш ёки саволга савол билан жавоб бериш жараёнини бошқаради ва шу тариқа машғулотидаги маълумотлар мазмунига диққатни жалб қилади ва талабаларнинг мустақил фикрлашга, ижодий фаолият юритишга йўллайди. Талабалар эса ўқитувчи билан ўз хулосаларини муҳокама қилиш жараёнида янги билимларни қўлга киритадилар.

5. Ўқув маълумотларининг баёнини муаммоли бошлаш методи. Бу метод ахборотни муаммоли баён қилиш методидан аввал, муаммоли топшириқни баён қилиб, муаммони талабалар

олдига қўйиш билан бошлаш орқали фарқланади. Бу методда маълумотни баён этишнинг бошланиши муаммоли вазиятнинг яратилишидан таркиб топади. Т.А.Ильинанинг таъкидлашича, бу метод тадқиқотчилик характери касб этган методлардан муаммони ечишда изланиш олиб бормай, фақат вазиятдан чиқиш йўлини ўйлайдилар. Кейинчалик материал ахборот усулида баён қилинади. Шу туфайли бу метод ижодий изланиш, ижодий фаолият кўникмаларини ҳосил қилмайди. Аммо, машғулот бошланишида ташкил этилган илҳом, талабаларда юксак қизиқиш ўйғотади ва маълумотлар фаол идрок қилинади [2, 88].

6. Муаммоли вазият методи. Бу методни қўллаганда қуйидаги дидактик мақсадлар назарда тутилиши лозим: бутун диққатни ўқув маълумотининг мазмунига қаратиш; билим олишга ва ўқув ахборотига қизиқишни ўйғотиш; талабаларнинг билиш фаолиятларини жадаллаштириш; талабаларни ақлий зўриқтириш орқали, уларнинг интеллектуал қобилиятларини ҳосил қилиш ва аниқлаш; талабалар томонидан ўзлаштирилган янги билим, кўникма ва малакаларни келажакда эгаллаши лозим бўлган мутахассислик учун етарли бўлмай қолиши мумкинлигини кўрсатиш; талабаларга ўқув топшириғини ўзлаштириш, таҳлил қила олиш, танқидий хулосалар чиқариш, уларни ечишнинг энг қўлай йўллари излаб топишга қўмаклаш ва ҳоказолар мисол бўла олади. Бу дидактик мақсадлар ҳар бир ўқитувчига ўқувчи-талабалар билан ижодий ишлаш жараёнида фаолиятни ташкил қилишнинг турли йўллари излаш ва топишга имконият яратиб беради.

Хулоса. Олий ўқув юрларида талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштиришда муаммоли таълим технологиялари имкониятларидан фойдаланиш ҳар бир фаннинг мазмун-моҳиятидан келиб чиққан ҳолда турли муаммолар ёки вазиятлар ечимини топиш, уни назарий ва амалий жиҳатдан асослашни талабаларда тўғри ўргатишлари, муаммоли вазиятни тўғри англаш ва ечиш усуллари тўғри танлашга ўргатиш, ҳамда талабаларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини эркин, мустақил баён этишга одатлантириш, уларнинг ўқув-билув қобилиятларини фаоллаштириш билан бирга, эгаллаган билимларини амалиётда қўллаш кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Ёшлар –Ўзбекистон бебаҳо хазинаси \ \ Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқ-сўзи, 2020-йил.
2. Ильина Т.А. Что такое современная лекция?, Как ей придать проблемный характер? – М.: “Вестник высшей школы”, 1984, №9- с.8
3. Махмутов М.И. Мактабда проблемали таълимни ташкил қилиш. –Тошкент, “Ўқитувчи” 1981. Б.-195.
4. Ғуломов А.Қ. Она тили дарсларида ўқитувчиларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштириш. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1987. Б.58.

Shaxlo XALILOVA
Buxoro davlat universiteti
pedagogika fakulteti
I bosqich magistranti

JAHON PEDAGOGIKASIDA PEDAGOGIK MULOQOTNING ZAMONAVIY USLUBLARI VA UNING MILLIY PEDAGOGIK MULOQOT USLUBLARI BILAN INTEGRATSIYASI

Maqolada jahon pedagogikasining klassik muloqot uslublari, zamonaviy pedagogik qarashlari bilan bir qatorda sharqona muloqot uslublarning o'ziga xosligi bayon qilingan. Didaktik qarashlardan bugungi ta'lim jarayonining zamonaviy pedagogik jihatlarini o'rin olgan. Jahon pedagogikasida zamonaviy pedagogik muloqot uslublari va uning milliy pedagogik muloqot uslublarga transformatsiyasi va rivojlanish istiqbollari ko'rsatilgan.

Kalit so'zlar: muloqot, muloqot uslublari, jahon pedagogikasi, zamonaviy pedagogika, milliy pedagogik muloqot, pedagogik ta'lim-tarbiya.

В статье рассматриваются классические методы общения в мировой педагогике, современные педагогические взгляды, а также особенности восточных методов общения. Дидактические взгляды включают современные педагогические аспекты современного образовательного процесса. Мировая педагогика показывает современные методы педагогической коммуникации и ее трансформацию в национальные педагогические методы коммуникации и перспективы развития.

Ключевые слова: общение, коммуникативные методы, мировая педагогика, современная педагогика, национальная педагогическая коммуникация, педагогическое образование.

The article deals with the classical methods of communication in world pedagogy, as well as modern pedagogical views, as well as the peculiarities of oriental communication methods. Didactic views include modern pedagogical aspects of today's educational process. World pedagogy shows modern pedagogical communication methods and its transformation into national pedagogical communication methods and prospects for development.

Key words: communication, communication methods, world pedagogy, modern pedagogy, national pedagogical communication, pedagogical education.

Kirish. Har qanday jamiyatning taraqqiyoti ta'lim-tarbiya va pedagoglarning amalga oshiradigan muloqot uslubiga bevosita bog'liq. Bugungi kunda butun dunyo bo'ylab har tomonlama rivojlanish jarayoni amalga oshmoqda. Madaniy-ma'rifiy, siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy sohalar singari ta'lim tizimida ham islohotlar olib borilmoqda. Ushbu islohotlar zamirida yosh avlod tarbiyasida muloqotchanlik qobiliyati, uni, ma'nau yetuk va intellektual rivojlangan kadrlar bo'lib yetishi ta'lim-tarbiyaning eng ustuvor vazifalardan biri sifatida belgilangan. Buning yorqin misolini Prezidentimiz Sh. M. Mirziyoyevning "Bizni o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala - bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgarayapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ko'proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lishsin. Lekin ayni payda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida aks sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan" - degan fikrlaridan anglashimiz mumkin. Ta'lim tizimida faoliyat ko'rsatayotgan pedagog xodimlarning muloqot uslubini rivojlantirish ta'lim sifati va ta'lim jarayonini takomillashtirish uchun xizmat qiladi. Muloqot - ta'lim oluvchi psixologik va ijtimoiy rivojining muhim omillaridan biri bo'lib, birgalikdagi faoliyatda umumiy natijalarga erishish, shaxslararo munosabatlarni yo'lga qo'yish va qo'llab-quvvatlash maqsadida ikki yoki undan ortiq kishilarning o'zaro harakati tushuniladi.

Asosiy qism: Rivojlangan davlatlar ta'lim tizimidagi xalqaro tajriba hamda ta'lim tizimiga qo'yilgan bugungi davr talablarini inobatga olgan holda o'qituvchi pedagogik muloqot uslublarni chuqur tadqiq etish va bu borada kerakli tavsiyalar ishlab chiqish bugungi kunda dolzarb ahamiyat kasb etadi. Ta'lim-tarbiya tizimini tarkibiy tahlil qilarkanmiz, uning tub ildizi kishilik jamiyati paydo bo'lgan davrdan mavjudligiga diqqat qaratmog'imiz lozim. Jahon pedagogikasida zamonaviy pedagogik muloqot uslublari rivojlanish istiqboliga hissa qo'shgan Rim pedagoglarining eng mashhuri hisoblangan Mark Fabin Kvintilianning (eramizning 42-118-yillari) "Notiq tarbiyalash to'g'risida" nomli asarining anchagina qismi bizga yetib kelmagan. Ammo bu asarning saqlanib qolgan ba'zi parchalarida "Bola maktabda tarbiyalanmog'i lozim.

МУНДАРИЖА

Бахтиёр АДIZOB. Креатив фикрлашга йўналтирилган таълим технологиялари	5
Ширинбой ОЛИМОВ. Таълимни технологиялаштиришнинг асосий элементи	9
Болта ХОДЖАЕВ. Олий ўқув юртларида муаммоли таълим технологиясини қўллашнинг айрим жиҳатлари.....	15
Nasiba AZIMOVA, Zarina NASIMOVA. O‘qituvchi nazokatida dilkashlik va pedagogik takt.....	20
Акбар ГУЛБОЕВ. Педагоглар фаолиятини ташхис қилишнинг назарий ва методологик асослари.....	26
Qobiljon ABDULLAYEV, Nargiza BOBOMURODOVA. Qadimgi mesopatamiyadagi madaniy-ma’rifiy taraqqiyot sarchashmalari	30
Гулия ҲАБИБОВА, Умида БАҲРИЕВА. Талабаларнинг мустақил иши - таълимни ташкил этишнинг етакчи шакли сифатида.....	33
Лола ЭЛИБОЕВА. Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини оширишда интерфаол таълим методларидан фойдаланиш	37
O‘lmas QURBONOVA. O‘zbekiston va Finlyandiya ta’lim tizimi: muammo va istiqbollar.....	42
Гулчеҳра ИЗБУЛЛАЕВА. Муслихиддин Саъдий Шерозийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асари юксак дидактик манба сифатида	46
Gulnoz TOSHOVA. Pedagogik faoliyat va uni takomillashtirishda pedagog mahorati	52
Manzura OCHILOVA. Sharq mutaffakirlari merosida oilada bolalarni axloqiy tarbiyalash.....	57
Dildora TOSHEVA. Boshlang‘ich sinflarda “Atrofimizdagi olam” fanidan “Yashil dorixona” mavzusini o‘qitishning pedagogik-psixologik imkoniyatlari.....	61
Bobomurod JO‘RAYEV. Somoniylar davrida ta’lim tizimi va mazmuni.....	65
Dilfuza RAKHMONOVA. Equirements for preschool education teacher.....	70
Matluba HOJIYEVA. TA’LIM JARAYONIDA AKSIOLOGIK TARBIYANI TASHKIL ETISHNING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	74
Нигина ИСМАТОВА. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий кадрятлардан фойдаланиш усул ва воситалари.....	79
Олимжон АХМАДОВ. Бухорода янги усул мактаблари фаолияти (XIX аср охири XX аср I чораги) .	83
Nilufar RAXIMOVA. Tarbiya va shaxs kamoloti	89
Gulshan SAIDNAZAROVA. Al-Buxoriyning hadislarida tarbiya masalasi	94
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Методика оценки развития экономического мышления у студентов вуза	98
Маърифат УМУРОВА. Мактабгача ёшдаги болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда музиканинг ўрни.....	103
Oybek ORTIQOV. O‘quvchi-yoshlarni milliy mafkura ruhida tarbiyalash mazmuni	109
Феруза РАМАЗОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий эътиқодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида	113
Olimjon AHMADOV, Dilnoza ELOVA. Buxoro bosmaxona va nashriyotlariga texnika sohasidagi yangiliklarning kirib kelish tarixidan (1920-1924-yillar).....	116
Madina BAXRAMOVA. Modulli ta’limni joriy etishning muammolari va yechimlari	120
Болта ХОДЖАЕВ, Ситора ШАРИПОВА. Талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини активлаштиришда муаммоли таълим имкониятларидан фойдаланиш	124
Shaxlo XALILOVA. Jahon pedagogikasida pedagogik muloqotning zamonaviy uslublari va uning milliy pedagogik muloqot uslublari bilan integratsiyasi	129
Zuxriddin SHERNAZAROV. Abdulla Avloniyning ma’rifiy-pedagogik faoliyati	134
Феруза ЖУМАЕВА. Ўзбек оилаларида ёшларнинг оилавий тарбия ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш	138